Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 146 (21. 245) 1992 йил 25 июль, шанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ташқи иқтисодий фаолиятни авж олдириш, ички бозорни энг зарур моллар билан тўлдириш, қўшимча капитал маблағларни, илғор техникани ва бошқариш тажрибасини жалб этиш, хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ишончли кафолатларни таъминлаш, республиканинг экспорт имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 1 августидан бошлаб:

республикага олиб келинадиган барча турдаги моллар нинг импортига солиқлар 1994 йилнинг 1 январига қадар бекор қилинсин;

республикага олиб келинадиган, халқ истеъмол қиладиган импорт моллар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, тиббиёт техникаси, шунингдек машина-ускуналар, бутловчи буюмлар ва уларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган хом ашё учун 1994 йил 1 январига қадар бож тўлашдан озод қилинсин.

2. Хорижий юридик шахслар ва фуқароларга республика ҳудудида савдо уйлари, фирма дўконларини очиш ёки ихтисослаштирилган қўшма корхоналарни барпо этиш йўли билан молларни сўмга ва валютага сотишни ташкил қилишга рухсат берилсин. Бу ишларни мувофиқлаштириш «Ўзбексавдо» давлат-акционерлик уюшмасининг зиммасига юклансин.

Белгилаб қўйилсинки:

мазкур савдодан олинадиган сўм ҳисобидаги фойдани улар қўшма корхоналарни маблағ билан таъминлашга, шунингдек ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг лицензияси билан кейинчалик чет элга олиб кетиш мақсадида республиканинг биржаларидан моллар харид қилишга сарфлашлари мумкин;

молларни валютага сотишдан олинадиган даромад республиканинг амалдаги қонунларига мувофиқ фойдаланилади.

3. Марказий банк 1992 йилнинг 15 августидан бошлаб ҳамма турдаги битимлар ва операциялар учун республика ҳудудида валюта бозоридаги жорий курс асосида белгиланадиган чет эл валюталарининг ягона курсини жорий этсин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида валюта билан боғлиқ ишларни тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси: бир ой муддат ичида лицензия бериладиган экспорт ва импорт моллар (ишлар, хизматлар)нинг рўйхатини ҳамда лицензия бериш тартибини тасдиқласин;

лицензия бериладиган ва кейинчалик экспорт қилинадиган молларни биржалар орқали сотиш миқдорларини белгиласин;

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурини икки ой муддат ичида ишлаб чиқиб, эълон қилсин. Дастурда республика ҳаёт фаолиятининг долзарб муаммолари ҳал қилинишини таъминлайдиган халқ хўжалигининг устивор тармоқларига маблағ сарфлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларнинг рўйхати ва техникавий-иқтисодий таърифи берилиши зарур.

5. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги:

миқдори белгиланадиган молларни экспорт қилишга лицензияларни кимошди савдосида сотишни амалда жорий этсин;

республиканинг манфаатдор ташкилотлари билан биргаликда, хорижий компанияларни ва халқаро молия ташкилотларини жалб этиб, Ўзбекистонда Халқаро пахта биржасини ташкил этиш тўғрисидаги масалани пухта ишлаб чиқсин ва ҳал қилсин;

республиканинг транспорт ташкилотлари билан биргаликда ташқи савдога хизмат кўрсатиш ва ташқи савдо транспорт корхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун транспорт-экспедитор акционерлик компаниясини ташкил қилсин.

6. Божхона комитети Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги билан биргаликда 1992 йилнинг 1 сентябригача божхона кодекси ҳақидаги, бож тарифи тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур Фармоннинг, шунингдек тузилган ҳукуматлараро битимларнинг қоидаларини эътиборга олган ҳолда бож тарифларининг янги табақалаштирилган миқдорлари ва уларни ундириб олиш тартиби ишлаб чиқилсин ҳамда икки томонлама асосда энг кўп қулайлик яратиб берилсин.

7. Қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий сармодорларга ва уларнинг шерикларига танлов асосида ва фақат инвестиция мақсадларида ишлаб чиқариш хоналарини, биноларни, машина-ускуналар ва уй-жойларни сотиб олиш, шунингдек ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи берилсин.

Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳокимликлари билан биргаликда мазкур бандни амалга ошириш борасидаги таклифни ўн кун муддат ичида ишлаб чиқиб, тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ:

хорижий сармоя иштирок этаётган корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, технологияни янгилашга ва ижтимоий дастурларни рўёбга чиқаришга сарфланадиган қисми солиқдан озод қилинсин;

хорижий сармоя иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағ сарфлаётган корхоналарнинг дастлабки беш йил ишлаши даврида улар даромаддан солиқ тўлашдан озод қилинсин;

хорижий сармоядорнинг чет элга ўтказиладиган даромадига 10 фоиз миқдорда солиқ белгилансин.

9. Хорижий сармоядорларнинг зарур молиявий-иқтисодий кафолатларини таъминлаш учун хорижий сармояларни ҳимоя қилувчи Миллий суғурта жамғармаси, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси валюта бойликларининг бир қисмини чет эл банкларида депозитга қўйиш, республика ҳудудида хорижий сармоя иштирокидаги суғурта компанияларини очиш йўли билан шундай жамғарма ташкил қилинсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни бажариш юзасидан ўн кун муддат ичида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси нинг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 24 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Кейинги вақтда жуда тақчил озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларини республикадан ташқарига ғайриқонуний равишда олиб кетиш ҳоллари тез-тез учрамоқда.

Дон, ун, қанд-шакар, ўсимлик ёғи, чой, дори-дармонлар каби республикада етишмай турган ва чет элдан келтиришга мажбур бўлинаётган маҳсулотларни Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиб кетишга уриниш ҳоллари айниқса ташвиш туғдирмоқда.

Республика ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги мол — моддий бойликларни Ўзбекистондан олиб кетилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг маълумотларига қараганда, 1991 йил ноябридан 1992 йил 20 июлигача бўлган даврда мол-моддий бойликларни республикадан олиб кетишнинг белгиланган тартиби 20 минг мартадан ортиқ бузилганлиги аниқланган, жами 700 миллион сўмлик молларни олиб кетишга уринилган.

Тошкент, Фарғона, Бухоро, Андижон, Наманган вилоятларида бу соҳада мураккаб вазият юз берган, Тошкент вилоятида жами 113 миллион сўмлик, Фарғона вилоятида 62,5 миллион сўмлик, Бухоро вилоятида 42 миллион сўмликдан кўпроқ, Андижон вилоятида 37 миллион сўмлик, Наманган вилоятида 27 миллион сўмлик мол-моддий бойликларни ғайриқонуний равишда олиб кетишга уринишга чек қўйилди. Тошкент шаҳрида 60 миллион сўмлик маҳсулотларни ана шундай тарзда олиб чиқиб кетишнинг олди олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси озиқ-овқат маҳсулотлари, жиҳозий моллар, табобат буюмлари ва дори-дармонлардан белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш учун «Озиқ-овқат маҳсулотларини, дори-дармонлар ва айрим халқ истеъмоли жиҳозий молларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ғайриқонуний равишда олиб кетиш ҳоллари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Белгиланган миқдорда маҳсулот сотиш тартиби кўпол равишда бузилишига ва Ўзбекистондан ғайриқонуний равишда олиб кетилишига йўл қўйилганлиги учун Тошкент вилоят матлубот уюшмасининг раиси М. А. Зокиров вазифасидан бўшатилди. Андижон вилоят матлубот уюшмасининг раиси С. Қ. Эминов «Ўзбекбирлашув» бошқарувининг қарори билан қаттиқ жазоланди.

«Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо» уюшмаси раҳбарларига қанд-шакар ва унни кўп миқдорда сотиш, шунингдек мазкур молларни республикадан ташқарига ғайриқонуний йўл билан олиб кетишга уринган ҳолларини текшириб, бу ишда айбдор бўлган ходимларга нисбатан улар эгаллаб турган лавозимдан бўшатишгача бўлган қаттиқ жазо чораларини кўриш топширилди.

Ички ишлар вазирлигига аниқланган воқеаларни тўлатўкис текшириш ва айбдор шахсларни топиш, материалларни прокуратура идораларига топшириш учун зарур чоралар кўриш, тартиббузарларга шошилинч таъсир ўтказиш учун маҳсулотларни ғайриқонуний йўл билан олиб кетиш ҳоллари тўғрисида тегишли вазирликлар ва идоралар ўз вақтида хабардор қилиб туриш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Мудофаа вазирлиги ўзига бўйсунувчи муассасаларда дори-дармонларнинг сақланишини таъминлаш, заҳарли—наркотик моддалардан фойдаланиш устидан қаттиқ назорат қилишни таъминлаш чораларини кўриши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари озиқ-овқат маҳсулотлари ва жиҳозий моллар, дори-дармонлар сақланишини, уларни республикадан олиб чиқиб кетишнинг қонунийлигини таъминласинлар, бунинг учун улар шахсий жавобгардирлар.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига Молия вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Андижон вилоятларидаги бир қанча муассасаларнинг хўжалик-молиявий фаолиятини тафтиш этиш топширилди. Тафтиш якунлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳайъатида кўриб чиқилсин. Дори-дармонларнинг сақланиши ва улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш устидан назоратни бўшаштириб юборган шахсларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилсин.

«Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», «Ўзкоопзаготторг», савдо тармоқлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари бўлган вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, бирлашмаларга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятларига молларни сотиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш уларнинг базалар ва омборлардан сотилишига, шунингдек уларни сотиш меъёрини оширишга йўл қўймаслик зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Халқ истеъмоли моллари ғайриқонуний равишда республикадан ташқарига олиб кетилиши ва жўнатилиши ҳолларига қатъий чек қўйилсин.

Молларни белгиланган меъёрларга қатъий мувофиқ равишда тўғри сотилиши учун савдо ташкилотлари ва корхоналар раҳбарларининг шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Дон маҳсулотлари, Ўзбекистон меваси-сабзавот, виночилик саноати, Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати концернларининг, Маҳаллий саноат вазирлигининг раҳбарлари озиқ-овқат моллари маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларининг сақланиши, улар савдо ташкилотларига ўз вақтида етказиб берилиши учун зарур чораларни кўрсинлар, хом ашё ва маҳсулотлардан белгиланган мақсадда фойдаланишни назорат қилишни кучайтирсинлар.

ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас

УНУТИЛМАС ДАМЛАР

Косонсой районидаги ўзбеклар ва тожиклар бир оила фарзандидек яшашади. Бу уларга ота-боболаридан мерос. Кейинги пайтларда улар ўртасида аҳиллик, ҳамжиҳатлик янада ортиб, район ҳудудида яшовчи бошқа миллат вакиллари ҳам бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиб бормоқдалар. Бу иноқлик, ҳамжиҳатликни қарор топтиришда Халқ Демократик партияси район кенгаши ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари роли катта бўлаяпти.

ХДП район кенгаши қисқа вақт ичида ҳар томонлама ўсиб ривожланди. Партия аъзолари ҳамиша халқ орасида бўлиб, кишиларнинг турли хил маъракаларида бош-қош бўлмоқдалар. Одамларга ҳозирги халқаро аҳвол, ижтимоий-сиёсий вазиятни тўғри тушунтиришга эришмоқдалар. Бир неча кундан бери Наманган вилоятида бўлиб, аҳолининг турмуши, партия ташкилотлари фаолияти билан танишаётган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов район кенгаши ва бошланғич партия ташкилотлари жойларда олиб бораётган ишлардан қониқиш ҳосил қилди.

Шу куни ХДП район кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда сўзга чиққан район ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Ҳ. Ҳамдамова, район агросаноат уюшмаси раиси О. Қориев, 89-автокорхона ҳайдовчиси А. Нишонбоев ва бошқалар партия олиб бораётган сиёсат халқ манфаатига мос тушаётганлигини таъкидладилар. Шунингдек улар партиянинг кадрлар масаласига жиддий муносабатда бўлиши ҳамда ҳозирги иқтисодий-сиёсий тангликни ҳамжиҳатлик билан бартараф этиш лозимлиги ҳақида фикр билдирдилар.

Пленумда М. М. Расулов нутқ сўзлади. У шу кунларда республикамиздаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида қисқача тўхталди. Айни пайтда аҳиллик, ҳамжиҳатлик бугун ҳар қачонгидан ҳам заруррақдир, деб таъкидлади.

Пленумдан сўнг М. Расулов «Коммуна» жамоа хўжалиги далаларида олиб борилаётган ишлар билан танишди. 6-бригада дала шийпонида меҳнаткашлар билан дилдан суҳбат қурди. Одамлар унга ўзларини ўйлантираётган муаммолар ҳақида саволлар бердилар ва бу борадаги ўз мулоҳазаларини билдирдилар. М. Расулов колхозчиларга ҳозирги қийинчиликлар албатта ортда қолиши ҳаммамизнинг самарали меҳнатимизга, ҳозирги вазиятга онгли муносабатимизга боғлиқ, деб таъкидлади. Меҳнаткашлар шундай долзарб паллада ўзларидан ҳол-аҳвол сўраб келган ХДП Марказий Кенгаши биринчи котибига миннатдорчиликларини билдиришди.

Мана шундай учрашув, жонли мулоқотлар Норин районида хўжаликлари ва партия ташкилотларида ҳам бўлиб ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида Халқ демократик партияси вилоят кенгаши мажлислар залида партия билетларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Янги партия билетларини олган вилоят ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг муовинлари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилот, корхона фаоллари партия билетлари олган кун унутилмас бўлиб қолишини таъкидладилар.

— ХДП вилоят кенгаши саккиз ой давомида анча мустаҳкамланди, — деди вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев. — Партия билетлари олган бугунги кунимиз, айниқса уни республика ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби топширгани эсда қоларлидир. Биз вилоят партия кенгаши билан ҳамкорликда осойишталикни сақлаш, аҳиллик, ҳамжиҳатликка эришишга алоҳида эътибор беряпмиз. Партия сафларини мустаҳкамлаш, уни соғлом кучлар билан тўлдириш борасида ҳамда халқ манфаати йўлида қилаётган ишларида қўлимиздан келган ҳамма ёрдамни беришга тайёрмиз.

Шундан сўнг Мингбулоқ нефть фавворасини жиловлашда фаол қатнашган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 6 нафар аъзосига 10 минг сўмдан мукофот пули топширилди. «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасининг фавворага қарши кураш отрядининг бошлиғи Д. Шамситдинов мукофотланганлар номидан Халқ демократик партияси иқтисодий қийин шароитда ҳам сидқидилдан қилинган меҳнатни қадрлашга имкон топгани учун миннатдорчилик билдирди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Чуст районида ҳам бўлди. Бу ерда ХДП район кенгаши ҳовлисида шинам безатилган дастурхон атрофида уруш, меҳнат, партия фахрийлари, шаҳар, район ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан жонли мулоқот бўлиб ўтди. Сўнгра уларга тантанали суратда партия билетлари топширилди.

— Партия билетларини биз орзиқиб кутаётгандик, — дейди ХДП район кенгаши биринчи котиби Ш. Раҳматуллаев. Унинг топширилиши чиндан ҳам унутилмас воқеа бўлиб қолади. Айниқса, Марказий Кенгаш биринчи котибининг бу тадбирда иштирок этиши партиямиз обрўсини янада оширади. Эртадан бошлаб бошланғич партия ташкилотларига бориб, партия билетлари топширишга киришамиз. Бу тадбирни ўтказишда ҳар бир партия аъзоси билан юзма-юз мулоқотда бўлиш, Президентимиз сиёсатини, партиямиз Дастурини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор берамиз.

М. М. Расулов Чуст районидаги «Барион» заводида бўлиб, ишчилар фаолияти билан танишди. Заводнинг янги қурилаётган объектини кўздан кечирди. Шундан сўнг завод ишчилари билан жонли мулоқот-учрашув бўлиб ўтди.

Шунингдек, биринчи котиб Поп районида бўлди. Бу ерда у ХДП район кенгаши фаолияти билан, район ташкилот ва хўжаликларида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Ишчи меҳнаткашларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити билан қизиқди.

Энг муҳими М. М. Расулов Наманган вилоятининг қайси район ва хўжалигида бўлмасин у билан одамлар ошкора, дилдан суҳбат қурдилар. Унинг қўлидан партия билети олган юзлаб ёш партия аъзоларининг ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди.

— Наманган вилоятида бўлган хизмат сафарингиз қандай таассурот қолдирди? Ундан қониқиш ҳосил қилдингизми? — деб сўрадим М. М. Расуловдан қайтиш чоғида.

— Республикамизда партия билетларини топширишни бошладик. Аввало бу даврни эсда қоладиган даражада уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор берямиз, — дейди биринчи котиб. — Мақсадимиз партия билетларини топшириш маросимида имкони борича ҳар бир партия аъзоси билан юзма-юз учрашиш, саккиз ойлик фаолиятимиз давомида нималарга эришдигу, яна қандай ишларни амалга оширишимиз лозимлиги ҳақида маслаҳатлашиб олишдан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда Наманган вилоятида мақсадга қисман эришдик. Қаерда бўлмайлик, одамлар очиқ чеҳра билан кутиб олиб, ўзларини ўйлантираётган муаммолар ҳақида ошкора фикр юритдилар. Айниқса уларнинг янги партиямизга ишончи тобора ортиб бораётгани мени қувонтирди. Кўриниб турибдики, вилоят партия ташкилоти омма орасига чуқурроқ кириб бормоқда. Одамларнинг ишончини қозонянти. Ўйлайманки, вилоят партия ташкилоти партиямиз Дастури, Президентимиз фармонларини амалга ошириш борасида ҳали кўп ибратли ишларни қилади.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН

Текширилмаган маълумотлар асосида рўйхатга олинганлиги, қарзга олинган маблағ ҳисобидан низом жамғармаси барпо этганлиги, Марказий банк рухсатномасида кўзда тутилмаган операцияларни амалга оширганлиги, Низомда белгиланмаган фаолият билан шуғулланганлиги, 1992 йилнинг иккинчи чорагидаги фаолияти натижалари бўйича зарар кўрганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларини рўйхатга олиш комиссияси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддасининг 8-банди ва 19-моддасининг 4-бандига амал қилиб «Нур-Анвар банк» тижорат банкининг банк фаолияти билан шуғулланишга рухсатномасини қайтариб олди. Шу тарифа банкнинг бундан буёнги фаолияти тўхтатилди.

Даъволарни банкни тугатиш комиссияси уч ой давомида қабул қилади.

ОЛИМПИАДА



ЎТКАЗИШНИ ЎРГАНАМИЗ

● БУГУН БАРСЕЛОНА ШАҲРИДА ЖАҲОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ИЙРИК АНЖУМАНИ ТАНТАНАЛИ СУРАТДА ОЧИЛАДИ

ОЛИМПИАДА байроғининг оқлигида ҳам, унда акс эттирилган беш туташ халқадан иборат рамзда ҳам ўзига хос маъно бор. Оқ байроқ жаҳондаги энг кучлилар, чапдаст ва чаққонларнинг ўзаро холис ва мардона курашлари тимсоли бўлса, туташ халқалар Ер юзидаги бешта қитъа спортчиларини олимпиада майдонига сафарбар этиш, қоларверса чорлаш маъносини англатади. Маълумки, шу пайтгача Ўзбекистон собиқ СССР терма жамоаси таркибида ана шундай йирик мусобақаларда қатнашиб келди. Ўйлайманки, энди бошқача бўлади.

Ҳозир ўлкамизда истиқлол шабадаси эсмоқда. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ҳилпирамоқда. Ҳамма соҳада бўлгани каби жисмоний тарбия ва спорт ишларида ҳам хайрли тадбирларга қўл урилмоқда. Республикамизда спортнинг оммавийлигини таъминлаш, моҳир спортчилар сафини кенгайтириш ҳамда халқаро майдонларда Ўзбекистон спорт нуфузи учун курашга оладиган йигит-қизларни кўпайтириш борасида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

«ТАДБИРКОР» АНВАР

ЁКИ «НУР АНВАР БАНК» ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан хабар беришларича, сўнгги ойларда «Нур Анвар банк» деган ном билан тилга тушган муассаса ёпиладиган бўлди. Нега?

Ахир, уни даставвал собиқ СССР Давлат банки, 1990 йил 31 декабрда эса Ўзбекистон ССР Давлат банки рўйхатга олган эди-ку? Расмийлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатлар — бўлажак банкнинг дастлабки жамғармаси, пайчилари аниқ кўрсатилгани ҳам бор гап. Мана улар:

1. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмаси — 4.500 минг сўм.

2. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасининг уй-жой қурилиши фирмаси — 500 минг сўм.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1959 йил 21 майдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, 6, 3-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. Кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 472-модда ва ўн учинчи — 1 боб билан тўлдирилсин:

«472-модда. Суриштирув идоралари, терговчи, прокурор ва суднинг жараён қатнашчилари ҳамда ўзга шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш борасидаги вазифалари

Жабрланувчига, гувоҳ ёки ишда қатнашаётган бошқа шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндош-уруғларига, ўлдириш, зўрлик қилиш, шахсий мол-мулкини йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкига шикаст етказиш билан ёинки ўзга ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинаётир, дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суриштирув идораси, терговчи, прокурор, суд бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкини муҳофаза қилиш, шунингдек аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш юзасидан чора-тадбирлар кўришлари шарт.

Суд, прокурор, шунингдек терговчи ва суриштирув идораси прокурорнинг розилиги билан милиция идораларига ишда қатнашаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминловчи барча чора-тадбирларни кўриш хусусида ёзма равишда топшириқ беришга ҳақлидирлар.

Милиция идораси жиноий ишда хавф остида қолган шахсларга доир мавжуд маълумотлардан, бу хавфнинг эҳтимол тутилган характери, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатлар ҳақида хабардор этилиши лозим».

«ЎН УЧИНЧИ — I БОБ»

ТЕЛЕФОНЛАР ВА БОШҚА СЎЗЛАШУВ ҚУРИЛМАЛАРИ ОРҚАЛИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН СЎЗЛАШУВЛАРНИ ЭШИТИШ

1601-модда. Сўзлашувни эшитиш учун асослар

Қўзғатилган жиноий иш юзасидан гумон қилинаётган шахснинг, айбланувчининг телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали сўзлашувларини эшитиш оқибат-натижада ишга доир муҳим аҳамиятга эга маълумотлар олинади, деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурорнинг рухсати билан суриштирув идораси ёки терговчининг қарорига биноан ёхуд суднинг ажримига кўра амалга оширилиши мумкин.

Жабрланувчига, гувоҳга, худди шунингдек уларнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига нисбатан зўрлик қилиш, таъмагирлик қилиш ёки ўзга ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этиш таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда ана шу шахсларнинг аризалари ёки ёзма равишда берган розилигига кўра прокурорнинг рухсати билан ёинки суднинг ажримига биноан уларнинг телефонлари ё ўзга сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувни эшитиш мумкин.

1602-модда. Телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа хил сўзлашувларни эшитиш тартиби

Терговчи ёки суриштирув идораси сўзлашувларни эшитиши, зарур ҳолларда бу ишга мутахассисни жалб этиши мумкин. Терговчи, суриштирув ўтказаётган шахс, прокурор ва судья топшириқ ёзади. Бу топшириқнома ижро этиш учун ички ишлар идораси ёки миллий хавфсизлик хизматининг сўзлашувларни эшитиш махсус бўлинмаси (хизмати) раҳбарига юборилади.

Эшитилаётган маълумотларнинг характери ва ҳажми, шунингдек сўзлашувларни эшитишнинг бориши ва натижаларини қайд қилиш шакли суриштирув идорасининг, терговчининг, прокурорнинг қарорида ёки суднинг ажримида белгилаб берилади.

Телефон сўзлашувлари ва бошқа сўзлашувлар олти ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиш ҳамда магнит лентасига овоз ёзиб олишда иштирок этаётганлар ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни овоза қилганлик учун жавобгар бўлишлари хусусида огоҳлантириладилар.

1603-модда. Телефон орқали сўзлашув ва бошқа хил сўзлашувларни фонограммаси ҳамда баёни

Телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиш чоғида овоз магнит лентасига ёзиб олиниши мумкин. Эшитиш ўтказилганлиги ва магнит лентасига овоз ёзиб олинганлиги тўғрисида баён тузилиб, унда ишга тааллуқли сўзлашувлар фонограммасининг қисқача мазмуни ифода этилади. Фонограмма муҳрланиб, баённа тикиб қўйилади, унинг ишга тааллуқли бўлмаган қисми эса ҳукм қонуний кучга киргандан кейин йўқ қилиб юборилади.

Сўзлашув эшитилганлиги ва овоз магнит лентасига ёзиб олинганлигига доир баёнда абонент рақами, сўзлашув эшитилган ва овоз магнит лентасига ёзиб олинган вақт, жой, бу ишларни бажарган шахсларга доир маълумотлар, шунингдек иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар акс эттирилади.

Сўзлашув эшитилганлиги ва овоз магнит лентасига ёзиб олинганлигига доир баёнда ушбу Кодекс 117-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда тузилади ва бу ишларни амалга оширган шахслар томонидан имзоланади».

2. 12-модданинг иккинчи қисми қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

«Бундан ташқари ўн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича, ишда қатнашаётган шахслар ҳаётининг сир тутиладиган томонлари тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш мақсадида жиноий алоқаларга доир ва бошқа ишлар бўйича, шунингдек жабрланувчи, гувоҳ ҳамда ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндош-уруғларининг хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари талаб қилган ҳолларда суднинг асослантирилган ажримига биноан иш ёпиқ судда кўрилишига йўл қўйилади».

3. 13 ва 14-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Гумон этилаётган шахснинг, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи таъминланиши

Гумон этилаётган шахс, айбланувчи ва судланувчи ҳимоя ҳуқуқига эгадир.

Суд, прокурор, терговчи ва суриштирув ўтказаётган шахс гумон этилаётган шахс, айбланувчи ҳамда судланувчига қонунда белгиланган воситалар ва усуллар билан ҳимояланиш имкониятини, шунингдек уларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлаб беришлари шарт.

«14-модда. Ишнинг ҳолатларини ҳар тарафлама, тўла ва холис текшириш

Суд, прокурор, терговчи ва суриштирув ўтказаётган шахс ишнинг ҳолатлари ҳар тарафлама, тўла ва холис текширилиши учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари, гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ва судланувчининг ҳам айбини очадиган, ҳам уларни оқлайдиган, шунингдек уларнинг жавобгарлигини оғирлаштирадиган ва енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлашлари шарт.

Суд, прокурор, терговчи ва суриштирув ўтказаётган шахс исботлаш вазифасини гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ва судланувчи зиммасига юклаб қўйишга ҳақли эмас.

Гумон қилинаётган шахс, айбланувчи, судланувчи ва ишда қатнашаётган бошқа шахслардан мажбурлаб кўрсатувлар олиш, худди шунингдек зўрлик ишлатиш, таҳдид қилиш ва бошқа ғайриқонуний йўллар билан далил-исбот тўплаш ман этилади».

4. 35-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари чиқариб ташлансин.

5. 36-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жабрланувчи шахсан ўзи ёки ўз вакили орқали суд муҳокамасида айбловни қўллаши мумкин».

6. 40-1-модданинг иккинчи қисми «Гумондор» сўзидан кейин, «ҳимоячига эга бўлишга» сўзлари билан тўлдирилсин.

7. 42-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42-модда. Жиноят судлов ишларини юргизишда ҳимоячининг иштироки

Ҳимоячининг ишда қатнашишинга айбнома эълон қилинган пайтдан бошлаб, жиноят содир қилинганликда гумон этилаётган шахс ушланган ёки унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси айбнома эълон қилингунга қадар қўлланилган тақдирда эса унга ушлаб туриш баёни ёхуд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги қарор эълон қилинган пайтдан бошлаб, аммо ушланган вақтдан сўнг йигирма тўрт соатдан кечиктирмай йўл қўйилади. Башарти, ушбу муддат ичида гумон этилаётган шахс ёки айбланувчи танлаган ҳимоячи ҳозир бўлишининг имкони топилмаса, суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи ва прокурор гумон этилаётган шахсга ёки айбланувчига бошқа ҳимоячи чақиришни таклиф қилишга ҳақлидирлар ёинки ҳуқуқий маслаҳат идораси орқали уларни ҳимоячи билан таъминлайдилар.

Адвокатларнинг, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакилларининг муайян ташкилотлар аъзоларига тааллуқли ишлар юзасидан ҳимоячи сифатида қатнашишларига йўл қўйилади. Суриштирув идораси, терговчи ва судьянинг қарорига ёки суднинг ажримига кўра бошқа шахсларнинг ҳам ҳимоячи сифатида қатнашишларига йўл қўйилади.

Ҳуқуқий маслаҳат идорасининг мудири ёки адвокатлар ҳайъатининг раёсати гумон этилаётган шахсни, айбланувчи ёхуд судланувчини ҳимоя қилиш учун адвокат тайинлашлари шарт. Ҳуқуқий маслаҳат идорасининг мудири ёки адвокатлар ҳайъатининг раёсати, шунингдек ишни юргизаётган суриштирув идораси, дастлабки тергов идораси, прокурор, суд Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда гумон этилаётган шахсни, айбланувчини, судланувчини ҳуқуқий ёрдам ҳақини тўлашдан бутунлай ёки қисман озод қилишга ҳақлидир. Ҳуқуқий маслаҳат идораси мудири ёки адвокатлар ҳайъатининг раёсати ҳақ тўлашдан бундай озод қилишга йўл қўйгани тақдирда ҳимоячининг меҳнатига адвокатлар ҳайъати маблағлари ҳисобидан, бошқа ҳолларда давлат ҳисобидан ҳақ тўланади.

Адвокатлар меҳнатига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ҳақ тўлаш ёки адвокат суриштирувида, дастлабки терговда ва судда тайинлаш асосида қатнашган ҳолларда унинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун кетган харажатлар бюджет ҳисобидан амалга оширилади. Бундай ҳолда давлатдан кетган харажатларни қоплаш маҳкумнинг зиммасига юклатилиши мумкин».

8. 43-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаганларнинг, соқовлар, карлар, кўрлар ва жисмоний ёки руҳий нуқсони туфайли ўзининг ҳимоя ҳуқуқини ўзи амалга ошира олмайдиган бошқа шахсларнинг, шунингдек судлов иши юритилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш, бундай ишларни судда кўриб чиқиш чоғида ҳимоячининг иштирок этиши шарт. Бундай ҳолларда ушбу Кодекснинг 42-моддаси биринчи бандида уқтирилган пайтдан бошлаб ҳимоячининг ишда иштирок этишига йўл қўйилади.

Ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир қилишда айбланаётган шахсларнинг йўллари бўйича айбнома эълон қилинган пайтидан бошлаб ҳимоячининг иштирок этиши шартдир. Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган бошқа ҳолларда ҳам ҳимоячининг ишда иштирок этиши шарт бўлиши мумкин»;

учинчи қисмдан «Айбланувчи ҳимоячининг иштирок этиши тўғрисида илтимос қилган ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9. 44, 45 ва 46-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44-модда. Ҳимоячини таклиф қилиш, тайинлаш ва ўзгартириш

Ҳимоячини гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ва судланувчи томонидан, гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчининг топшириғи ёхуд розилиги билан уларнинг қонуний вакиллари, қариндош-уруғлари ёки бошқа шахслар томонидан таклиф қилинади.

Гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига биноан ҳимоячининг қатнашуви суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи ёки суд томонидан таъминланади.

Гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчи танлаган ҳимоячининг узоқ вақт ишда иштирок этиш имкони бўлмаса, суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи ва суд гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчига бошқа ҳимоячи чақиришни таклиф қилишга ёхуд гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчига ҳуқуқий маслаҳат идораси орқали ҳимоячи тайинлашга ҳақлидирлар.

Башарти, гумон қилинаётган шахслар, айбланувчи ёки судланувчилар икки нафар ва ундан ортиқ бўлиб, улардан бирини ҳимоя қилиш манфаатлари иккинчисини ҳимоя қилиш манфаатларига зид келса, айни бир шахс юқорида уқтирилган шахслардан икки нафари ёки ундан ортиғининг ҳимоячиси бўла олмайди.

«45-модда. Ҳимоячидан воз кечиш

Гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчининг ташаббуси билангина йўл қўйилади ва у давлат ёки жамоат қораловчисининг, шунингдек бошқа гумон қилинаётган шахслар, айбланувчилар ва судланувчилар ҳимоячиларининг ишда қатнашишига тўсқинлик қилмайди.

Ушбу Кодекснинг 43-моддасига мувофиқ ҳимоячининг қатнашиши шарт бўлган ҳолларда ҳимоячидан воз кечиш истаги қондирилмайди.

«46-модда. Ҳимоячининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

Ҳимоячи гумон этилаётган шахсни, айбланувчи ёки судланувчини оқлайдиган, уларнинг жавобгарлигини камайтирадиган ҳолатларни аниқлаш мақсадида ҳимоя қилишнинг қонунда кўрсатилган барча воситалари ва усулларидан фойдаланиши ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиши шарт.

Ҳимоячи ишда қатнашишга рухсат этилган вақтдан бошлаб: айбнома эълон қилинаётган чоғда иштирок этишга, гумон этилаётган шахс ёки айбланувчини сўроқ қилишга, шунингдек улар иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатлари вақтида қатнашишга; ишга доир барча материаллар билан танишиш ҳамда улардан зарур маълумотларни кўчириб олишга; суд терговида қатнашишга; далил-исботларни тақдим этишга; илтимосларни баён этишга; раддиялар беришга; суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари юзасидан шикоят қилишга ҳақлидир. Ҳимоячи ишда қатнашишга рухсат этилган вақтдан бошлаб ушланган шахс ёки қамоқда сақланаётган гумон этилаётган шахс ёхуд айбланувчи билан истаганча ва давомийлиги чекланмаган ҳолда танҳоликда учрашишга ҳақлидир.

Тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда иштирок этаётган ҳимоячи сўроқ қилинаётган шахсга саволлар беришга, тергов баёнидаги ёзувларнинг нотўғрилиги ёки тўлиқ эмаслиги юзасидан ёзма фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақлидир.

Ҳимоячи ҳимояни амалга ошириш муносабати билан ўзига маълум қилинган маълумотларни ошкор этишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳимоячининг бошқа ҳуқуқлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Адвокат гумон этилаётган шахсни, айбланувчини ёки судланувчини ҳимоя қилиш бўйича ўз зиммасига олган вазифадан воз кечишга ҳақли эмас».

10. 50-модданинг иккинчи қисми «тергов ва суд ҳаракатларининг протоколлари» сўзларидан сўнг «видеоёзувлар, кинофото, суратлар ва магнит лентаси ёзувларидан иборат материаллар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11. 54-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гувоҳ узрли сабабларсиз келмаса, суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи, прокурор ва суд уни мажбурий равишда олиб келтиришга ҳақлидир. Гувоҳ қасддан судда ҳозир бўлишдан бош тортгани тақдирда, суд бундай шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган тартиб ва миқдорларда маъмурий жазо белгилаши ҳам мумкин».

12. 78-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи, прокурор, суд эҳтиёт чораси сифатида хибса олиш танланганлиги тўғрисида гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ва судланувчининг иш жойига, ўқиш жойига, оиласига ёки яқин қариндош-уруғларидан бирига зудлик билан маълум қилади. Ҳибса олиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим қамоқ жойига жўнатилади. Башарти, гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчи хорижий давлат фуқароси бўлса, қарор ёки ажрим Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ҳам юборилади».

13. 98-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирув идоралари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноятни содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноий иш юзасидан исбот сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ҳақиқий маълумотларни аниқлаш мақсадида зарур оператив-қидирув чораларини кўриш, шу жумладан видеоёзувлар, кинофото, суратлар ва овоз ёзиш воситаларидан фойдаланган ҳолда оператив-қидирув чораларини кўриш вазифаси юклатилади».

14. 99-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноятнинг мавжуд аломатларига кўра дастлабки тергов ўтказилиши шарт бўлса, суриштирув идораси жиноий иш қўзғайди ва ушбу Кодексга амал қилган ҳолда жиноят аломатларини аниқлаш ҳамда мустаҳкамлаш юзасидан; кўздан кечириш, тинтув ўтказиш, ишга дахлдор нарсаларни олиб қўйиш, телефон орқали ва бошқа хил сўзлашувларни эшитиш, мол-мулкини хатлаш, гумон қилинаётган шахсларни гувоҳлантириш, ушлаш ва сўроқ қилиш, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишдан иборат кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга оширади, зарур ҳолларда эса экспертиза тайинлайди».

15. 100-моддада:

учинчи қисмдан «ишдаги материаллар билан уларни таништирмайди» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисм чиқариб ташлансин.

16. 113-модданинг бешинчи қисмидаги «жабрланувчига, гражданлик даъвогари ва гражданлик жавобгарига», деган сўзлар «шунингдек жабрланувчига, гражданлик даъвогарига, гражданлик жавобгари ва уларнинг вакилларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 115-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги «терговчи» сўзи «суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 117-модданинг олтинчи қисми «фонограммалар» деган сўздан кейин «видеоёзувлар» деган сўз билан тўлдирилсин.

19. 176-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш тўхтатилганлиги тўғрисида айбланувчига, жабрланувчига, гражданлик даъвогарига, гражданлик жавобгарига ва уларнинг вакилларига тўхтатиш важлари кўрсатилган ҳамда уларга иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи тушунтирилган ҳолда ёзма равишда маълум қилинади».

20. 178-модданинг номи ва биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«178-модда. Жабрланувчи, гражданлик даъвогари, гражданлик жавобгари ва уларнинг вакилларини ишга тааллуқли барча материаллар билан таништириш

Тергов ниҳоясига етказилиб, тўпланган далиллар айблов хулосаси тузиш учун етарли деб топгач, терговчи бу ҳақда жабрланувчига, гражданлик даъвогарига, гражданлик жавобгарига ва уларнинг вакилларига маълум қилиши, айни вақтда уларга ишга доир барча материаллар билан танишиш, худди шунингдек дастлабки терговни тўлдириш тўғрисида илтимоснома билан ариза бериш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтириши шарт. Шундан сўнг уларнинг ҳар бирига ишга доир барча материаллар тикилган ва рақамланган ҳолда танишиб чиқиш учун тақдим этилиб, бу хусусда баён тузилади. Жабрланувчи, гражданлик даъвогари, гражданлик жавобгари ва уларнинг вакиллари ишга доир материаллар билан танишиш чоғида видеоёзув олиб борилган, кинога олинган ёки овоз магнит лентасига ёзиб олинган бўлса, бу воситалар юқорида уқтириб ўтилган шахсларнинг илтимосига кўра намойиш этилиши ёки эшиттирилиши мумкин»;

иккинчи қисм чиқариб ташлансин. Шу муносабат билан учинчи ва тўртинчи қисмлар тегишинча иккинчи ва учинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

21. 179-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг қоидалари бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда, шунингдек ушбу Кодекснинг 42-моддасида назарда тутилган ҳолларда терговчи ишга доир барча материалларни айбланувчига ва айни бир вақтда ҳимоячига кўрсатади. Ҳимоячи ҳозир бўлмаган тақдирда тергов иши юргизишга доир материалларни кўрсатиш кечиктирилиши лозим, бироқ кечиктириш муддати беш суткадан ошмаслиги керак. Бу муддат ичида айбланувчи танлаган ҳимоячининг ҳозир бўлиш имкони топилмаса, терговчи бошқа ҳимоячини чақириш чорасини кўради»;

учинчи қисмидаги «киносъёмка» ёки «овоз ёзиш» деган сўзлар «видеоёзувлар, киносъёмка ёки овоз ёзиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 180-модданинг 7-бандидан «терговчининг рухсати билан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

23. 182-моддада:

учинчи қисмидаги «қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш вақтида ҳимоячи иштирок қилаётган бўлса, у гувоҳга, жабрланувчига, экспертга ва айбланувчига терговчи орқали саволлар беришга» деган сўзлар «қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш вақтида иштирок қилаётган ҳимоячи гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ва айбланувчига саволлар беришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

тўртинчи қисмидаги «гражданлик даъвогарини ва гражданлик жавобгарини» деган сўзлар «гражданлик даъвогари, гражданлик жавобгари ва уларнинг вакилларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24. 221-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Айблов хулосасининг кўчирма нусхаси ва судга чақирув қоғози судланувчига, шунингдек жабрланувчига ёки унинг вакилига топширилади. Агар ишни судга ошириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида айблов ёки эҳтиёт чораси, ёхуд судга чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати ўзгартирилган бўлса, судланувчига, шунингдек жабрланувчи ёки унинг вакилига суд чиқарган тегишли ажримнинг ёки судья қарорининг кўчирма нусхалари ҳам топширилади».

25. 249-модда қуйидаги мазмунли бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Гражданлик даъвогари ёки гражданлик жавобгари қасддан судда ҳозир бўлишдан бош тортгани тақдирда суд бундай шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган тартиб ва миқдорларда маъмурий жазо белгилаши мумкин».

26. 250-модда қуйидаги мазмунли учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Жабрланувчи қасддан судда ҳозир бўлишдан бош тортгани тақдирда, у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган тартиб ва миқдорларда жавобгар бўлади».

27. 254-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гувоҳ, эксперт ёки мутахассис узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаса, суд уларни мажбурий равишда олиб келиш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақлидир. Гувоҳ, эксперт ёки мутахассис қасддан судда ҳозир бўлишдан бош тортган тақдирда суд уларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган тартиб ва миқдорларда маъмурий жазо белгилаши ҳам мумкин».

28. 256-модданинг номи ва биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«256-модда. Жабрланувчи, гражданлик даъвогари, гражданлик жавобгари ва уларнинг вакилларига ўз ҳуқуқларини тушунтириш

Раислик қилувчи жабрланувчи, гражданлик даъвогари, гражданлик жавобгари ва уларнинг вакилларига ушбу Кодекснинг 36—38-моддаларида назарда тутилган ўз ҳуқуқларини тушунтириб беради».

29. 276-моддада:

биринчи қисм қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

«Судлов тергови тугаганидан сўнг суд судлов музокараларига ўтади. Судлов музокаралари ишда қатнашаётган давлат ва жамоат қораловчиларининг, шунингдек жабрланувчи, гражданлик даъвогари, гражданлик жавобгари ёки улар вакилларининг, жамоат ҳимоячисининг, ҳимоячи ёки агар ҳимоячи суд мажлисида қатнашмаётган бўлса, судланувчининг нутқларидан иборат бўлади. Давлат ва жамоат қораловчиларининг сўзга чиқиш навбатини уларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда суд белгилайди. Жамоат ҳимоячисининг сўзга чиқиш навбати ҳам худди шу тарзда белгиланади»;

иккинчи ва учинчи қисмлар чиқариб ташлансин. Шу муносабат билан тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар тегишинча иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

30. 332-модда биринчи қисмининг биринчи банди «жабрланувчи» деган сўздан кейин «ва унинг вакили» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

31. 413-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган шахслар, қуйидаги ҳуқуқларга эгалар:

ўзларининг нимада гумон қилинаётганликларини билиш;

ушбу Кодекс 43-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ҳимоячи таклиф этилишини талаб қилиш;

исботлар тақдим этиш;

ушлашнинг қай даражада тўғри эканлигини текширишни прокурордан талаб қилиш. Ушланганларни сақлаш жойи маъмурияти баён қилинган талаб ҳақида прокурорга дарҳол маълум қилади;

суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи ёки прокурорнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш, тушунтиришлар бериш, илтимос қилиш ва рад этиш;

ушбу Кодекснинг 416-моддасида белгиланган тартибда давлат идораларига, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларга шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш;

ўз кийим-кечаги ва пойафзалидан, шунингдек бошқа зарур ашё ва буюмлардан фойдаланиш, бундай ашё ва буюмлар рўйхати ушланганларни сақлаш жойларининг ички тартиб қоидаларида белгилаб қўйилади».

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

ОЛИМПИАДА ЎТКАЗИШНИ ЎРГАНАМИЗ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Айниқса, шу йил бошида Ўзбекистон Республикасининг Миллий Олимпиада қўмитасининг ташкил этилиши халқаро миқёсдаги воқеалардан бирига айланди. Республикамиз Президенти бизнинг ташаббусимизни маъқуллаб, истиқболимизга умид билан қараётганимизни қўллаб, Тошкентнинг 2000 йилда олимпиада мусобақаларини ўтказиб беришга даъвогар шаҳарлар сафидан жой олишига розилик бердилар.

Биз бундай имкониятдан фойдаланиб, март ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ керакли ҳужжатларни Халқаро Олимпиада Қўмитасига топшириб, мазкур ташкилотнинг расмий аъзоси бўлиб олдик.

Сирасини айтганда Берлин, Пекин, Истанбул, Манчестер, Милан ва Сидней каби шаҳарлар олимпиада ўтказишга даъвогар бўлиб турганда Тошкент шаҳрининг улар билан тенглашиб, ташаббускор бўлиб туриши ёлдинига кўпчиликка эриш туюлди. Лекин ҳомийларимиз кўпайиб бораётгани, дўстларимиз бизни маъқуллаётгани ҳаммамизга қувват бағишлади. Ҳозирданоқ Франция, Туркия, Япония, Швейцария, Англия каби мамлакатлар вақти келиб Тошкент олимпиада шаҳрига айлангудек бўлса, ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга, кўмак беришга тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

Барселона олимпиадасига спортчиларимиздан ташқари катта бир гуруҳдаги ишбилармонлар, мутахассислар ҳам йўл олишган. Мақсад йирик спорт анжуманини қандай ташкил этиш ва ўтказишни ўрганишдан иборат. Биз Испанияда аввало спортчиларимизнинг муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш билан бирга ташкилий ва тадбирий ишларни қандай йўлга қўйилаётганлигини билишга ҳаракат қиламиз. Ўзбекистондан борган вакиллар орасида Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, икки мингинчи йилда ўтказилажак ХХУП олимпиадага Тошкентнинг даъвогар эканлигини асослаб бериш ва тайёргарлик кўриш комитетининг раиси У. Эштоев, «Азиятрейдин интернейшинл» корпорацияси бошлиғи А. Исаев ва бошқалар бор. Мен ўзим Миллий Олимпиада Қўмитасининг Президенти сифатида, ёрдамчим, вице-президент Собир Рўзиев билан ҳамкорликда ҳамда собиқ олимпиадачилар Лариса Павлова билан Бобомурод Файзиевлар иштирокида олимпиада вақтида қандай шарт-шароитлар яратилиши билан кўпроқ қизиқамиз.

Хабарингиз бўлса, шу йил кузда Халқаро Олимпиада Қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч Тошкентга келиб, олимпиадага даъвогар шаҳарнинг имкониятлари билан яқиндан танишади. У яқинда республикамиз Президенти И. Каримовни Барселона олимпиадасининг тантанали ёпилиш маросимига лутфан таклиф этди. Бундай ўзаро муомалалар ҳам Тошкентнинг ўзига хос даъвогарлигини муносиб тақдирланишида муҳим аҳамият касб этади, деган умиддаман.

Барселона олимпиадасида республикамиздан 17 нафар спортчи иштирок этмоқда. Ўйлайманки улар мустақил республикамиз спорт шарафини астойдил ҳимоя қилиб, муҳлисларни қувонтиришга интиладилар. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, бу сафар спортчиларимизни туб аҳоли вакиллари сафидан саралашга имкон тополмадик. Зеро, яқин келажакда ўзбек йигит-қизлари орасидан моҳир спортчиларни тарбиялаш, қолаверса, уларни олимпиада ўйинларига ҳозирлаш учун замин яратяпмиз. Мақсад халқаро майдонлар ва олимпиада ўйинларида Ўзбекистон спорт шарафини муносиб ҳимоя қилган Мамажон Исмоилов, Собир Рўзиев, Бобомурод Файзиев, Собир Қурбонов, Руфат Рисқиев, Жамолиддин Абдужабборов, Эркин Каримов, Рустам Ямбулатов каби йигитларнинг издошларини тарбиялашдан иборат.

Бу сафар спортчиларимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг жамланган жамоаси таркибида олимпиада мусобақаларида қатнашадилар. Ҳозирги шароитда яратилган битта имтиёз у ҳам бўлса, барча мустақил республикалар қатори Ўзбекистон спортчилари ғолиблик супасига кўтарилгудек бўлишса, давлат байроғимиз ҳилпираб, гимн садолари таралади. Бу яқин йилларда Ўзбекистоннинг мустақил мамлакат сифатида ана шундай баҳсларда иштирок этишидан нишонадир. Сўзимни мухтасар қилиб айтсам, омадимиз келиб Тошкентда олимпиада мусобақалари ўтказишга рухсат этиладиган бўлса, Ўзбекистоннинг, қолаверса, унинг пойтахтини келажакка шаҳдам қадамлар билан одим ташлаётгани намоён бўлади. Бу жаҳон жамоатчилигининг ўзига хос эътирофидир. Тошкентда олимпиада ўтказиш учун республикамиз тинчликнинг мустаҳкам таянчи, барқарор ривожланаётган ўлка, иқтисодий жиҳатдан имкониятлари етарли давлат сифатида халқаро олимпиада ташкилотчиларининг талабига мос бўлмоғи керак. Ўйлайманки, биз ана шундай хайрли йўлдан борямиз.

О. НАЗИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ГУВОҲЛАР, ЖАБРЛАНУВЧИЛАР, ЭКСПЕРТЛАР, МУТАХАССИСЛАР, ТАРЖИМОНЛАР ВА ХОЛИСЛАРНИНГ ҚИЛГАН ХАРАЖАТЛАРИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга чақириладиган гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга ўз турар жойидан шу чақирилган ерга келиш ва бу ердан қайтиб кетиш харажатлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларига хизмат сафарига бориш ва қайтиш харажатларини қоплаш учун белгиланган тартибда тўланади.

2. Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холислар ўзларининг доимий яшаш жойларидан ташқаридаги суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга чақирилганда ва улар шу чақирилган жойда бир суткадан ортиқ туришлари лозим бўлганда, уларга турар жой биносини ижарага олганлик учун қилинган харажатлар ва суткалик харажатлар, шунингдек хизмат сафари билан боғлиқ қўшимча харажатлар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг хизмат сафари билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади.

3. Экспертлар, мутахассислар бажарган иш учун соатига беш сўмдан ўн сўмгача миқдорда ҳақ тўланади. Алоҳида ҳолларда, экспертизага юқори малакали мутахассислар жалб қилинган тақдирда, экспертиза учун тўланадиган ҳақнинг миқдори эксперт ва мутахассиснинг ўзи билан келишиб туриб юқорида кўрсатилган нормадан ошиқча белгиланиши мумкин, лекин бу миқдор соатига ўн беш сўмдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

4. Таржимонлар ёзма таржимага ҳар 1000 босма (қўлёзма) белги учун ўн сўм миқдорида ҳақ оладилар.

Суд мажлисларида ёки суриштирув органлари ва дастлабки тергов органлари ўтказадиган сўроқларда таржимон сифатида қатнашганлик учун таржимонлар соатига уч сўмдан ҳақ оладилар.

5. Экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар бажарган ишлари учун суриштирув ёки дастлабки тергов органларининг қарорига ёҳуд суднинг ажримига биноан ҳақ оладилар.

Бу ҳақнинг миқдори эксперт, мутахассис ёки таржимонни чақирган идора томонидан уларнинг малакаси ва ишнинг мураккаблиги, шунингдек бажарилган иш учун сарфланган вақтни ҳисобга олиб белгиланади.

6. Ушбу Қонунда кўрсатилган барча пуллар чақирувчи орган томонидан: жиноий ишлар бўйича — смета бўйича махсус ажратиладиган маблағлар ҳисобидан фуқаролик ишлари бўйича эса — тарафлар берадиган пуллар ҳисобидан тўланади, тарафлар иш юзасидан қилинадиган харажатларни тўлашдан озод этилган ҳоллар бундан мустаснодир. Бундай ҳолларда пуллар смета бўйича ажратиладиган маблағлар ҳисобидан тўланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 86-моддасига мувофиқ гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга тўланадиган маблағлар жиноий ишлар бўйича суд харажатларига қўшилади ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида белгиланган тартибда ундириб олинади.

Суд томонидан ундириб олинган суд харажатлари республика бюджетига тушади.

8. Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга ҳақ уларни чақирган орган томонидан бу шахслар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан кейин, тегишли пуллар иш юзасидан қилинган харажатлар тарзида ёки ҳукм этилганлардан суд харажатлари тарзида ташқаридан олинган ва ундириб олинган ёки олинмаганлигидан қатъий назар дарҳол тўланиши керак.

9. Суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холислар сифатида чақириладиган ҳарбий хизматчиларнинг харажатларини (йўлкира ҳақи, суткалик ҳақ ва квартира ҳақи) суд ҳарбий қисмларининг талабига биноан ва ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти тўғрисидаги Низомда белгиланган нормалар бўйича тўлайди.

10. Ушбу Қонун хизмат топшириғи сифатида ўз вазифаларини бажарадиган экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тааллуқли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ГУВОҲЛАР, ЖАБРЛАНУВЧИЛАР, ЭКСПЕРТЛАР, МУТАХАССИСЛАР, ТАРЖИМОНЛАР ВА ХОЛИСЛАРНИНГ ҚИЛГАН ХАРАЖАТЛАРИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1992 йил 1 августдан кучга киритилсин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги 1963 йил 4 февралдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1963 йил, 4, 9-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати 1967 йил 25 январда қабул қилган «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати Фармонига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Фармон. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1967, 1, 9-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

«ТАДБИРКОР» АНВАР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

3. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасининг ишлаб чиқарув-савдо фирмаси — 500 минг сўм.

4. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасининг умумий овқатланиш фирмаси — 500 минг сўм.

5. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасининг автомобиль созлаш фирмаси — 500 минг сўм.

6. «Звезда Востока-2» кўп тармоқли ширкати — 500 минг сўм.

Буни қарангки, омад чопса, Шому Ироқдан ҳам насиба келаверар экан. 1989 йилнинг 9 ноябрида, ҳали «Нур Анвар банк» Ўзбекистонда рўйхатдан ўтмасдан туриб, «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмаси унинг ҳисобига 6.262 минг сўм ўтказди. Орадан кўп ўтмай, бу уюшма яна банкка 1.100 минг сўм берди.

Хуллас, Ўзбекистон Республикасининг «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилган бир муассиснинг ташкил этилаётган банкка қўяжак маблағи дастлабки жамғарма миқдорининг 35 фоизидан ошмаслиги керак, деган талаб бузилди.

Текширувлар натижасида мазкур банкнинг устав фонди ва банкнинг ўзи белгилаб қўйилган қонунларга зид равишда ташкил этилгани аниқланди.

Жумладан, ҳужжатларда номлари зикр этилган пайчиларнинг «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасидан бошқа бирортаси банк ҳисобига маблағ ўтказмаган ва уларга қоғозда сохта муассис сифатида қайд этилган.

Банк ҳақидаги қонунларга кўра, муассислар ўзларининг эркин маблағларидан фойдаланишлари керак. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасининг «Нур Анвар банк»га ўтказган 7362 минг сўми шундай маблағ эдими? Йўқ. У Москвадаги Марказий илмий-тадқиқот институтининг Ленинград филиалига 200 та компьютер етказиб бериш шарти билан олган 8 миллион сўми ҳисобидан ўтказилган эди. Демак, банк эркин маблағга эмас, қарз ҳисобига ташкил этилиб, республиканинг «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонунини яна бузган.

Шундай қилиб, «Нур Анвар банк» Ленинграднинг 8 миллион сўмини «қимор»га тикиб, шерикларини «чув» туширди. Ваъда қилинган 200 компьютерни етказиб бера олмади. Сўнг Минск шаҳрига «ов»га чиқилди. У ерда ногиронларни моддий жиҳатдан ҳимоялаш «Инвасервис» республика бирлашмасини ўз «ўйини»га тортди. Уларга ҳам ҳисоблаш техникалари ваъда қилиб, 9 миллион сўм пулни «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмаси номидан ленинградлик шериклари ҳисобига ўтказди. Бошқача айтганда, Алининг дўпписини Валига кийдириб, соясида кун кўриб юраверди.

Қинғир ишларининг ривож олаётганига амин бўлган банкчилар беларуслик лақмаларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, яна 7 миллион сўмини олдилар ва икки кундан сўнг «Инвасервис» республика бирлашмасига ваъда қилинган молни етказиб бера олмасликларини баҳона қилиб, аҳдларидан қайтдилар. Натижада беларуслик ногиронлар 16 миллион сўмга куйиб қолаверишди.

Воқеадан хабар топган Ўзбекистон Давлат банкининг масъул комиссияси «Нур Анвар банк» фаолиятини муҳокама қилиб, бир ой муддат ичида унинг бошқарувига қонунчиликни қўпол равишда бузган «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмасини муассислар ҳисобидан чиқариш, унинг пулларини қайтариб бериш ва устав фондини янги таъсисчилар ҳисобидан қайта ташкил этиш талабини қўйди.

Шунга қарамай, «Нур Анвар банк» «Звезда Востока»нинг атиги 4.500 минг сўмини қайтариб, қолганларини ўз ҳисобида сақлаб қолди.

Банк «тадбиркор»лари бундай талабларни бажармасликдан манфаатдор эдилар, албатта. Чунки ҳисобга ноқонуний тушган маблағларни қайтариш муддати қанча чўзилса, ишлаб чиқаришга қўйилган пул шунча фойда келтиради-да! Хуллас, «Нур Анвар банк» «Узплодоэкспорт», «Узвнешторг», «Ишлаб чиқариш-савдо фирмаси» каби тижорат ташкилотларини таъсис этиб, ўзини ташкил этган муассисларнинг сардорига айланиб қолди. Ана шу корхоналарни ташкил этишда ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунлари бузилган.

Текширув натижалари шуни кўрсатдики, «Нур Анвар банк» бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус рухсатномаси — лицензиясига эга бўлмаган ҳолда чет эл валютаси операцияларини ўтказган. Фуқароларнинг сўмларини валютага алмаштириб, уларга маълумотномалар берган. Жорий йилда 14,5 минг АҚШ долларига маълумот хати берилган. Аммо банкда мазкур операциялар ўтказилганидан далолат этувчи ҳужжатлар йўқ. Бундан ташқари, банк ўз фаолияти давомида касса интизомини ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда Давлат банкининг «Банк кассаларидан нақд пул беришни чеклаш тўғрисида»ги кўрсатмасини бузган.

1992 йилнинг биринчи ярмида «Нур Анвар Банк» ўз фаолиятини 744 минг сўм зарар билан якунлади. Шунга қарамай, у қонунларни бузиб, бир неча миллион сўм солиқ тўламай келган.

Ҳурматли ўқувчиларимизни «Нур Анвар банк» раҳбарларининг кимлиги қизиқтириши табиий. Марҳамат танишинг:

1. «Звезда Востока» халқаро ширкатлар уюшмаси раиси — Анвар Тилланазаров.

2. «Интервосток» халқаро иқтисодий уюшмаси президенти — Анвар Тилланазаров.

3. «Нур Анвар банк» бошқарувчиси — Анвар Тилланазаров.

Ҳа, барча ҳужжатларга ўзлари имзо чекиб, ўзлари тасдиқлаб, пул топишнинг ҳадисини олган бу «тадбиркор» — Анвар Тилланазаров жанобларининг ўзлари бўладилар.

„ОЙНАИ ЖАҲОН"ДА КУРИНГ

27 июль — 2 август

• 27, душанба

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Петя ва қизил Шапкача». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Саёҳат — роҳат». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Иқтисод ва истиқлол». 20.00 «Рақс—дўстлик элчиси». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Боболардан қолган бу наво». Телефильм. 21.30 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «Нефтчи» (Фарғона) — «Навбаҳор» (Наманган). Ёзиб олинган. 23.00 «Прерия». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Билиб қўйган яхши». 20.25 «Шаҳар юмушлари». 21.25 «Лаҳза». Хабарлар. 21.35 «Сўқмоқдаги беш киши». Бадиий фильм.

ОРБИТА IV
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.00 Якунлар. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Янги авлод танлайди». 9.10 «Хайр, Рафаэль». Телевизион бадиий фильм. 10.05 «Кўп овоз —дунё битта». Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Уч опа-сингил» (Франция). 10.10 «Анҳор бўйида...» Мультфильм. 10.25 Фильм-концерт. 11.00 Янгиликлар.

12.10 «Телемикст». 12.55 «Ён дафтар». 13.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 13.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». 14.55 «Ҳордиқ чиқаринг». 15.10 «440 Герц». Ўсмирлар учун мусиқий кўрсатув. 15.50 «Қизғончиқ». Мультфильм. 16.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 16.20 Кўрсатувлар тартиби. 16.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. 17.45 «Қуёшли қўнғиз». Мультфильм. 17.55 «Компаньонлар». Бадиий фильм. 19.00 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.25 «Ой кратери ларида». Қисқа метражли бадиий фильм премьераси. 21.15 «НЭП». 21.50 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари кундалиги». 22.00 Янгиликлар. 22.35 Кўрсатувлар тартиби. 22.40 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — 01.00 Янгиликлар.

• 28, сешанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Ўз ихтиёри билан». Бадиий фильм. 8.35 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.05 Хоразм телевидениеси кўрсатади. Ёш созандаларнинг халқаро танлови ғолибларининг концерти. 10.05 «Муҳофаза». 10.35 Телевизион театр. У. Ҳошимов. «Баҳор қайтмайди». 1-қисм.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Икки куёнча». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Спортлото. 19.25 Мулоҳаза. Адабий кўрсатув. 20.00 Жумҳурият ёш хонандаларининг танлови совриндори Абдужаббор Латипов куйлайди. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 «Онтарио соҳилида бўлган воқеа». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам». 19.30 «Чашма». 20.00 «Алоқалар ва шартномалар». 20.30 Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.40 «Оқ йўл». 22.10 «Менинг маҳаллам».

ОРБИТА IV
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 «Бўғирсоқ ҳақида эртак». Мультфильм. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.05 Мультфильмлар. 9.45 Бутунсибирь оркестр конкурси ва халқ чолғу асбоблари қатнашчиларининг концерти. 10.30 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 11.00 Янгиликлар.

12.55 «Ён дафтар». 13.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 13.20 Кўрсатувлар тартиби. 13.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». 14.55 «Капитан Грант қидирилмоқда». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 16.20 Кўрсатувлар тартиби. 16.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. 17.45 «Сиёсат» студияси намойиш этади. «Чет эл». 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди» Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.20 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.35 «Махфий хизмат». Олти серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-серия. 20.30 Н. Паганини асарларидан концерт. 20.40 «Хамелеоннинг найранги». Бадиий фильм. 1-серия. 21.50 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». 22.00 Янгиликлар. 22.35 Кўрсатувлар тартиби. 22.40 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — 01.00 Янгиликлар.

• 29, чоршанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Томоша». Фильм-концерт. 7.55 «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм. 9.25 «Она табиат». Кинопрограмма. 10.00 «Келажагимиз мактабда». 10.30 Телевизион театр. У. Хошимов. «Баҳор қайтмайди». 2-қисм.

11.50 «Ўзбекистон» спорти.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Эчкичанинг шохи ўсди». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Қонун—барчага баробар». 19.50 Турсунбой Парпиев куйлайди. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Деҳқон ва замин». 21.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Орифхон Хатамовнинг Навоий ғазалларига басталаган ашулалари. 22.30 Бадиий фильм.

ЎзТВ II

10.30 «Сўнгги нуқта», «Сари челек». Телефильмлар. 11.00 «Сирли най». Жумҳурият қўғирчоқ театрининг спектакли. 12.00 «Мингбулоқ чашмалари». Бадиий фильм. 1-серия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 «Билим сарчашмалари». 20.10 «Мусиқали меҳмонхона». 20.40 «Саломатлик — туман бойлиги». Тошкент темир йўл станцияси поликлиникасининг иш тажрибасидан. 20.50 «Суперспорт». 21.40 Кинотриада.

ОРБИТА IV
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Мультфильм. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8.50 Телевизион ҳужжатли фильм. 10.10 Л. Бернстайн. Симфоник рақслар. 10.30 «Мушук уйи». Мультфильм. 11.00 Янгиликлар.

12.10 «Телемикст». 12.55 «Ён дафтар». 13.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 13.20 Кўрсатувлар тартиби. 13.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». 14.55 «Капитан Грант қидирилмоқда. Етти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 16.20 Кўрсатувлар тартиби. 16.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. 17.35 «Кичик экраннинг катта муаммолари». 18.05 «Бу эртакда шундай бўлганди...» Мультфильм. 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.20 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.35 «Махфий хизмат». Олти серияли телевизион ҳужжатли фильм. 2-серия. 20.30 И. Николаев қўшиқларини И. Аллегрова ижро этади. 20.45 «Хамелеон найранги». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.50 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». 22.00 Янгиликлар. 22.35 Кўрсатувлар тартиби. 22.40 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — 01.00 Янгиликлар.

• 30, пайшанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Катта каньон». Телефильм. 7.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Абдуллаева куйлайди. 8.25 «Самарқандниг мовий гумбазлари». Телефильм. 8.50 «Заём-92». Самарқанддан репортаж. 9.00 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.

16.50 «Заём-92». Самарқанддан репортаж. 17.30 Мультфильмлар. 18.00 Янгиликлар. 18.05 «Салом, ёшлар!» 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Концерт. 20.00 «Заём-92». Самарқанддан репортаж. 20.10 «Самарқанд», «Ўзбекистон». Ҳужжатли фильмлари. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига. «Марҳабо, талантлар» Республика вилоятлари бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Самарқанд вилояти. 22.30 «Заём-92» тиражининг якунлари. «Омад» кўрсатуви.

ЎзТВ II

10.30 «Ёшлигим — бебошлигим». 11.00 «Ўзбекистон болалари». Республика ўқувчилар саройи бадиий ҳаваскорларининг чиқиши. 11.45 «Мингбулоқ чашмалари». Бадиий фильм. 2-серия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум». 19.00 «Шифобахш гиёҳлар». 19.40 Телефильм. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.20 «Пульс». Хабарлар. 21.30 «Атиргуллар очилганда». Бадиий фильм.

ОРБИТА IV
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 «Биринчи учрашувлар». Мультфильм. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.50 «Ойна», «Сеҳрли қўғирчоқча». Мультфильмлар. 10.10 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).

11.00 Янгиликлар. 11.20 Мультфильм. 11.40 «Телемикст». 12.25 «Ён дафтар». 12.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 13.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 13.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. 14.55 «Капитан Грант қидирилмоқда». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 16.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 16.20 Кўрсатувлар тартиби. 16.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. 17.55 «Бугун ва ўшанда». 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.20 Хайрли тун, кичкинтойлар. 19.35 «Махфий хизмат». Олти серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 3-серия. 20.30 З. Кочиш Ф. Шопен асарларидан чалади. 20.45 «Тунги таширф». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.50 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари кундалиги». 22.00 Янгиликлар. 22.35 Кўрсатувлар тартиби. 22.40 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида—01.00 Янгиликлар.

• 31, жума

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.20 «Қувноқ шаҳарча». «Ўрмонзор бағрида». Телефильмлар. 7.55 «Қора қичқирбақа чангалида». Бадиий фильм. 9.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 9.50 «Қувноқ стартлар». 10.50 «Олий таълим: қабул ва янгиликлар».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Кимсасиз оролдаги Кипс исмли тасвирчи». Мультфильм. 18.30 «Элга хизмат — олий ҳиммат». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Чорраҳа». 19.50 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 «Мусаввир». Раҳим Аҳмедов. 22.10 «Кино, кино, кино».

ОРБИТА IV
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 «Энг кичик ёмғир». Мультфильм. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.05 «Фермер-92». Халқаро фестиваль. 9.55 «Мен бахтли инсонман...» А. Д. Попов. 10.55 Кўрсатувлар тартиби. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Бридж». 11.45 «Бизнес — класс». 12.00 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. 13.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 13.20 «Ён дафтар». 13.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. 14.55 «Капитан Грант қидирилмоқда». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 16.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. 18.00 «Инсон ва қонун». 18.30 «ТВ—Нева: «Биз ким билан?» 18.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қора гўзалнинг саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 20.45 «Тунги таширф». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.50 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари кундалиги». 22.00 Янгиликлар. 22.35 Кўрсатувлар тартиби. 22.40 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида—01.00 Янгиликлар.

• 1, шанба

ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

8.00 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 1-серия. 9.25 «Бунёдкор». 9.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга». 10.40 «Аёл қадри». Бухоро вилоятидан кўрсатув. 11.25 «Хазина». Халқ ҳунармандчилиги ҳақида. 12.10 Ўлмас Умарбеков. «Ўз аризасига кўра». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрининг спектакли.

18.00 «Сичқонвой ва мушук», «Мушук ва қушча». Мультфильмлар. 18.25 Болалар учун. «Доно бобо даврасида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Заргар». Телефильм. 19.30 «Оталар чойхонаси — кулгу кошонаси». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Рақс соҳибаси». Халқ артисти Қундуз Миркаримова. 21.40 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Оқ қоплон авлоди». Бадиий фильм. 1-серия.

ОРБИТА IV
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.55 «Ишбилармон кишининг шанба тонги». 6.55 Янгиликлар. 7.30 Эрталабки гимнастика. 7.40 «Мусиқий чолғулар ва уларнинг тарихи». «Контрабас» (Германия). 8.05 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?» 8.20 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 8.50 «Марказ». 9.30 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». 10.10 «НЛО»: кутилмаган ташрифи». 10.40 «Делегатскдаги музей». Мўъжизалар бозори. 11.10 «Инсон ёки шайтонми?» Уч серияли телевизион ҳужжатли фильм. премьераси. 2-фильм. 11.55 Мультфильм. 12.05 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. 14.10 Янгиликлар. 14.30 Болалар учун фильм. «Кичик Муканинг саргузаштлари» («Тожикфильм»). 15.35 «Ҳайвонот оламида». 16.15 «Шахматово тушга кирди...». 17.00 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 17.25 «Бахтли ҳодиса». 18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Врубель ҳақида лавҳалар». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 Ф. Зуппе. «Голотей». Москва оперетта театрининг спектакли. 22.00 Янгиликлар. 22.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади.

• 2, якшанба

ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».

8.00 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 2-серия. 9.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Орзулари ойдин». 10.20 «Балли, улоқча». Й. Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 11.35 Тижорат канали: «Илғор тажриба мактаби». 12.05 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 12.20 Тижорат канали: «Ўзбекистон саноати: истиқбол уфқлари». 12.35 Э. Усмонов. «Қўрқинчонда». Телеспектакль.

18.00 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.25 «ФАН». Пахта целлюлозаси — тиббиёт хизматида. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 19.30 «Телевизион миниатюралар театри». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига. «Ўзлигинг намоён қил». Адабий кўрсатув. 22.30 «Оқ қоплон авлоди». Бадиий фильм. 2-серия.

ОРБИТА IV
I КАНАЛ
ОСТАНКИНО

5.25 «Руҳни чиниқтириш». 6.25 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.45 «Эрта саҳарлаб». 8.25 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. 8.50 Мультфильм. 9.00 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». 9.45 «Тонг юлдузи». 10.35 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» таништиради: «Серафим Саровский. «Қайтиш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 11.25 Телевизион ҳужжатли фильм. 10-фильм. 11.50 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10-фильм. 12.15 «Крешчандо». Мусиқий кўрсатув. 12.30 «Стёпа амаки — милиционер». Мультфильм. 12.50 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади.

14.30 Янгиликлар. 14.50 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 15.30 «Уолт Дисней таништиради...» 16.20 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.15 «Саёҳатчилар клуби». 19.00 Телевизион бадиий фильм премьераси 20.00 «Якунлар». 20.45 Кўрсатувлар тартиби. 20.50 «Киноафиша». 21.05 Эстрада қўшиқлари халқаро конкурси.

22.00 Янгиликлар. 22.15 Телевизион ҳужжатли фильм. 22.45 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари». Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида—01.00 Янгиликлар.

ЯНГИ РУКН: «ШАҲАР КЎЗГУЛАРИ»

ХАЛҚИМИЗДА «Афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама» деган нақл бор. Шу боис биз бугундан эътиборан «Шаҳар кўзгулари» деган янги рукн очдик. Зеро, ҳар бир шаҳарнинг ўз кўзгуси бор. Бу — тайёрагоҳ, бу — темир йўл вокзали, бу — автовокзал, бу бозор, бу — ошхона, бу — дўкон... Мазкур жойларда ҳамма нарса рисоладагидек деб бўлмайди, албатта. Зотан, ундаги қинғир-қийшиқ ишлар кўзгуда аниқ акс этса, ойнадан ўпкаламанг...

Шаҳарлар ичра Тошкентдек шаҳри азимни топиш қийин. У меҳмондўст шаҳар. Тинчлик, дўстлик шаҳри. Кинофестиваль шаҳри. Энг муҳими нон шаҳри. Қолаверса олимпиада шаҳри бўлиш эҳтимоли ҳам бор. Бир кунда бу шаҳри азимга икки миллионга яқин меҳмон келиб кетар экан. Дарвоқе, Тошкентнинг сувини ичган чумчуқ, ҳатто Маккатиллодан ҳам қайтиб келади. Тошкент шундай оҳанрабо шаҳар.

Алқисса, ҳозир бутун дунёнинг нигоҳи ҳам Тошкентда. У ўзининг ҳар бир соҳасини кўз-кўз қила билиши керак.

Афсуски, жойларда бундай кўзгуда одамлар асабига тегувчи доғ-дуғлар кўп. Ҳозирги кунда баҳор ёмғиридан кейин бош кўтарадиган қўзиқориндек қўлбола ширкат ошхоналар, қўйингчи, норасмий бозорчалару, шахсий ошхоначалар тўлиб-тошиб ётибди. Бу жойларда тартиб-интизом, юксак маданият, намунали хизмат, озодалик бор, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Ҳозирги алғов-далғов даврда, бозор иқтисодиётига ўтилаётган, қимматчилик авж олаётган бир пайтда уларнинг мушугини «пишт» дейдиган, яъни назоратчилар ҳам панага уриб кетдилар.

Бизда нима кўп, текширув ва назорат органлари кўп: БХСС (ҳозирги УБПЭ), давлат назорат қўмитаси (аввалги халқ назорати), СЭС, КРУ, кишчи назорати... Санаб саноғига етолмайсиз. Улар сафига яна бири қўшилди. Бу солиқ инспекцияси... Ахир бизда шундоқ ҳам қўйчувонлар кўп-ку!

Буларнинг номини ўзгартириш билан уларнинг иши ўзгариб қолдими! Қани айтингчи, азиз муштарий, ўзгардими! Бир ижобий натижа борми!...

Миш-мишларга қараганда, мушукдек бопалаётган ширкат ошхоналару, хусусий ошхоначалар давлат ошхоналарини тобора сиқиб бораётганмиш. Ҳадемай уларнинг куни битар эмиш, ҳаммаси хусусий бўлар эмиш. Наҳотки, давлат ошхоналари ширкат ошхоналари билан беллаша олмайди, Наҳотки, давлат деган тушунча онгимиздан шунчалик тез йўқолиб боряпти! Нега давлат текширув идоралари назоратчилари бо-қибеғамликка берилиб кетдилар! Нега суст ишлашмоқда! Қачонгача ошхоналарда ўғирлик, очкўзлик, муттаҳамлик, талон-торожлик давом этади! Нега уларда гавжумлик йўқолмоқда! Овқат нега қиммат! Нега сифати паст! Хўранда нима учун ранжимоқда!

Биз ана шу савоплларга жавоб топиш учун Тошкент шаҳар умумий овқатланиш концерни (бошлиғи Қ. Зонров)га қарашли айрим ошхоналар иши билан танишишга қарор қилдик.

«Нон йўқ! Бу тахтачадаги доимий ёзув корхона раҳбари ва район ҳокимига аччиқ айбнома эмасми!

Бўш қоп тик турмайди, дейдилар. Бас шундай экан, кундалик хизмат чоғида хоҳлайсизми, хоҳламайсизми тушлик учун ошхонага бош суқасиз. Албатта, тотли, мазали, сифатли овқат егингиз келади. Аммо, ҳар доим ҳам бу ниятингизга эришавермайсиз. Ҳозирги қимматчилик пайтида очиғи 20—30 сўмга ҳам қорин тўймайди. Бунга бир томондан гўштнинг, бошқа масаллиқларнинг нархи ошиб бораётгани бўлса, иккинчи томондан ошпазлар овқатнинг ҳам гўштидан, ҳам масаллиғидан чегириб ётибдилар. Талабалар шаҳарчасида бўлганимизда шунинг гувоҳи бўлдик.

Ҳозир Республика Президенти ҳам, ҳукумати ҳам келажагимиз бўлмиш талабаларга эътиборни кучайтиришяпти. Мутасаддилар бутун шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар. Стипендиялари оширилиб, талабаларнинг ҳам чўнтаги қаппайиб қолди. Овқатнинг нархи ошса-ошсинки, талабаларнинг пули етсин, қорни тўйсин. Шу боис бўлса керак, Талабалар шаҳарчасида ҳам ошхоналар сони ортиб боряпти. «Ёшлик», «Талаба», «Шўрвахона», «Оқшом» ва ҳокозо. Бундан ташқари ҳар бир ётоқхона қошида ўз буфети бор. Тўғри, ҳозир таътил пайти. Шу сабабли ошхоналардаги ошпазлар ҳам ҳеч ким йўқ, қабилида иш тутиб, анча хотиржамликка берилиб кетганга ўхшайдилар. Бизнинг назаримизда эса Талабалар шаҳарчаси анча гавжум кўринди. Ҳали сессияда орттирган «думи»дан қутилиш учун имтиҳонини топширолмай юрган, ўқишга кираман, деб кетидан бир гуруҳ «қамдард»ларини судраб юрган одамлар анчагина эди. Шундай бўлса-да ошхоналар бўм-бўш. Хўш, нега? Овқатнинг нархи чақиб олаяптими ёки сифати пастми?

Шу хаёл билан «Райхон» ошхонасига кириб бордик. Ийлакда бизни чойхоначи Иброҳим Саидов қарши олди. Чойхона буфетчаси пештахталарига кўз югуртирдик. Унда Наврўз байрамидан қолган миллий пишириқларни чанг ва пашша босиб ётибди. Бўғирсоқлар тошдек қотиб кетган, тишни синдиради. Ошхонанинг масаллиқ тайёрлаш хоналари кўримсиз, ремонталаб. Идиш-товоқлар кир-чир. Тавба, уларни кир ювиш порошоги билан тозалар эканлар. Ахир бу киши саломатлигига ғирт зарар-ку!

Ошхонанинг ун сақланадиган хоналарида сичқон ҳиди, деразаларни ис босиб кетган. Бунинг устига устак ойналар очиқ, тўрларда тутилмаган, пашшалар кириб ғужғон ўйнаб ётибди...

«Таомнома»да ҳам бор-йўғи икки хил овқат бор экан: ўзбекча палов — нархи 11 сўм 40 тийин, помидор тўғрами эса — 60 тийин. Тамом вассалом. Шундай пишиқчилик пайтида ошхона пештахталарида бирор бир мевачева ва бошқа маҳсулотлар мутлақо кўринмайди. Ошпаз Соқижон Исмоилов эса обдан чарчаган шекилли, чойхўрликка берилиб кетибди. Унинг ўрнига 197-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Комил Жаъфаров бемалол «қойиллатиб» ош сотяпти.

— Унинг бунга қандай ҳуқуқи бор? — деган саволимизга ошпаз ака: — «Ота-онаси иш ўргансин, деб олиб келганди, ёрдамлашиб турибди», деб жавоб берди. Директор муовини Абдуёқуб Худойбердиев эса бу ишдан мутлақо хабарим йўқ, дея елка қисди-қўйди. Қизиқ, наҳотки раҳбар ўз қўл-остида кимлар ишлаётганини, нималар бўлаётганини билмаса? Ёш бола десак, бало чиқиб қолди. Текшириш учун махсус ош сотиб олдик: 50 грамм гўштдан тенг ярмини уриб қолаётгани фош бўлди. Буни қаранг, ёш болани нималарга ўргатишяпти. Буни қандоқ тушунмоқ керак? Собир Раҳимов район ошхоналар бирлашмаси (бошлиғи М. Н. Титова) раҳбарлари бу қанақаси бўлди?! Келажак учун янги олғир кадр тайёрлаяпсизларми?

«Ёшлик» ошхонасига қадам-ранжида қилганимизда таъна-дашномга қолдик. «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Шамил Тўйчиевич Болабеков кела солиб бизга дўқ ура бошлади.

— Нима қилаяпсизлар? Кимсизлар? Нега аввал ҳокимга учрашмадинглар?..

Биз эса ҳокимга тегишли саволимиз бўлса мурожаат қилишимизни ётиғи билан тушунтирдик. У эса «Мен сизларни ўзимда кутаман» дея жаҳл билан чиқиб кетди.

1. ОШХОНАДАГИ ОЧКЎЗЛАР



Агар бозордан жўжа сотиб олсангиз қимматга тушади. Бунинг арзон йўли бор. Тошкент шаҳар умумий овқатланиш концернининг айрим ошхоналаридаги тухумлардан харид этсангиз ичидан бемалол жўжа ҳам чиқади.



Миробод районидаги 22-мева ва сабзавот дўкони ходимлари печеньеларни беркитиб қўйиб, яна нарх ошкишини кутиб туришганга ўхшайди.

Хонаки таомлар бозорчасида овқатланган киши ҳам пулига куяди, ҳам қорнига йиғлайди.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Афтидан «Ёшлик» талабалар шаҳарчасига ҳоким бўлган раҳбар ҳали ҳамон буйруқбозлик касалидан воз кечолмаган, ўз тахтиравонини ҳар нарсадан устун кўрадиган кўринади. Ахир замон ўзгаряпти, жаноб ҳоким? Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейдилар.

Ваҳолонки, Талабалар шаҳарчасида ҳокимият қиладиган ишлар ачиб-бижиб ётибди. Бундан бир ой муқаддам Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станцияси вакиллари «Талаба», «Оқшом» каби қатор кафеларни текширишганда уларнинг ремонталаблигини, қатор мосламалар, совутгичлар ишга яроқсиз эканлигини аниқлашган эди. Афсуски, бу жойлардаги нуқсонлар ҳалигача бартараф этилгани йўқ. Тошкент шаҳар умумий овқатланиш концерни раиси муовини М. Соатовнинг ёзма равишда маълум қилишича, жойларда кўрсатилган камчиликларни тугатиш ва ремонт ишлари бошлаб юборилган. Аслида эса бу қуруқ ёзишма, қоғоздаги гап. Кўрсатилган жойларда ҳали қилинадиган ишлар бисёр экан.

Кошки эди пулига яраша овқатлар тўйимли, сифатли, мазали бўлса? Начора, бу хўранданинг орзуси сароблигича қолмоқда. «Райхон» ошхонасида тамадди қилиб ўтирган икки ҳайдовчи Қ. Қўлдошев билан А. Расуловнинг нолиганича бор: нархи қиммат, тўйимсиз, ёғи чучимаган, қоринни қуриллатади. Э, ҳа, пул тўлаган хўранда «гаримдори» чайнар экан-да. Хўш, «Ёшлик» шаҳарчасида талабалар қачонгача «гаримдори» чайнашади? Ҳолва деган билан оғиз чучимайдику, ўртоқ ҳоким! Ҳозир мингта гапдан битта иш яхши!

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб биламиз. Хокимлик — бу янгилик. Айниқса, мустақил Ўзбекистон ўзининг бир йиллик хурриятини нишонлаш арафасида Тошкент шаҳар ҳокимияти, унинг район хокимлари бу сананинг моҳиятини англаб етмоғи, Ўзбекистон тарихидаги биринчи катта байрамни ёруғ юз билан кутиб олиш учун алоҳида жонбозлик кўрсатишлари, юқорида таъкидланганидек, барча камчиликларга, нуқсонларга муросасиз курашмоқликлари керак.

Ишчини биламиз, кун бўйи дастгоҳ олдида тик оёқда туриб ишлайди. Унга тўйимли овқат зарур. Донолар айтганидек, «тушлик овқатни ўзинг е», деган гапда ҳикмат кўп. Талабанинг аҳволини кўрдик. Энди ишчиларга қандай хизмат кўрсатилаётган экан деган фикр билан «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги ишчи ошхонасига ташриф буюрдик. Миробод район ошхоналар бирлашмаси (бошлиғи Н. Ғиёсов)га қарашли бу 13-ошхона бор-йўғи 160 кишига мўлжалланган экан. Ваҳолонки, бирлашмада 1,5 минг киши ишлайди. Овқатнинг хили камлигидан, қимматлигидан кўпчилик уйидан халтага тушлик солиб олиб келаркан.

— Бугун нонсиз қолдик, — дейди бирлашма бош иқтисодчиси Татьяна Голубева. — Ёнимизда Тошкент шаҳар ширкат ва бозорлар савдо бирлашмасига қарашли новвойхона ишламай қолди. Ҳар бир нони 3 сўм 50 тийин. Туппа-тузук олиб турувдик. Эшигига қулф тушиб қолди.

Ҳа, ўша куни (23 июль) қизилтонгчилар бўрсилдоқ нон ололмадилар. Бунинг сабабини «Тошкоопрынокторг»дагилар тушунтириб берсалар ажаб эмас. Нега нон ёпилмади? Бирлашма ичидаги чойхона ҳам хароб ҳолда, ҳолига маймунлар йиғлайди. Тушликда чойхўрлар йўқлигидан чойхоначи домино суряпти. Яна бир хизматчиси ўриндиққа чўзилиб хуррак отяпти. Афтидан вақт ўтяпти, хизмат кетяпти, маош эса ўзи келяпти...

Бирлашма бош директори Х. Асадов чойхонани созлаймиз, миллий таомлар тайёрлатамиз, овқатлар хилини кўпайтирамиз, деб ваъда берди. Қани кўрайликчи, ваъдалар саробга айланмасмикин?!

Ошхона мудири А. Маҳмудов коса, ликопча етишмайди, — деб нолиб қолди. — Олай десан нархи осмонда...

Қизиқ, шундай «Қизил тонг»дек бой корхона ўз ишчиларига ҳиммат қилмаса? Ахир бу иккита пальтонинг пули-ку! Миробод район ошхоналар бирлашмаси (бошлиғи Н. Ғиёсов)-чи? Қурби етмайдими?

«Қизил тонг»дан тўғри Бектемир районига йўл олдик. Йўлда «Роҳат»даги самолётсозлар бозорининг филиалига бурилдик. Бозорчамисан, бозорча. Бу ерда ҳамма нарса, қушнинг сутигача бор. Бозорнинг ярмини хонаки овқат тайёрловчилар эгаллаб олишган. Кимдир хабар берганми ёки фотоаппаратни кўрибми, сомсачи ҳам, хонимчи ҳам, табаккичи ҳам, турли туман чет эл сақичию, сигаретини сотаётган чайқовчилар ҳам нарса-парсасини ташлаб қочиб қолишди. Бу қўл бола овқатлардан озор чекаётганлар қанча? Уларнинг на тиббий рухсати бор, на солиқ тўлайди. Аммо бозор мудири Ғ. Туропов, паттачи А. Алимовлар уларни бозорчага нима эвазига қўйишаётганини тушунолмадик. Мана сизга жумбоқ, ўртоқ мутасаддилар.

Ҳозирги саратон кунларида иссиқдан тухумнинг ўзи курк товуқсиз ёрилиб жўжа очибди, деса ишонавринг. Бектемир ошхоналар бирлашмасига қарашли (бошлиғи Ж. Ҳусанов) 2-ошхона ёнидаги «Чучварахона»даги тухумлардан ҳам жўжалар чиқаёзибди. Ошхона сотувчиси З. Саксенбаева кўчада бемалол 26 майда чиқарилган палағда тухумларни сотиб ўтирибди. «Чучварахона» эшигида калладек қулф. «Ҳа», десак, «свет» йўқ дейишди. Бош ошпаз Алик Адеевнинг қаёқда юрганини ҳеч ким билмайди. Ошхона музхонасининг ичига қараб бўлмайди. Эшигини очиш билан димоққа бадбўй ҳид урилди. Ҳамма нарса айқаш-уйқаш: гўшт, ювуқсиз ликобчалар, пиёз тўғрами, хамир, қаймоқ бир-бирига қоришиб ётибди. Бу масаллиқлардан тайёрланган чучварани еган киши тўғри шифохонага равона бўлиши аниқ...

Мазкур райондаги республика Сув хўжалиги вазирлигига қарашли таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонасининг марказий тажриба базаси ҳудудидаги 1-ошхона (бош ошпази Н. Рустамов)нинг қатто кунлик «Таомномаси» ҳам йўқ экан. Столларда қалампир, туздон, салфеткалар кўринмайди. Идиш-товоқ, патнислар эски, ишдан чиққан, мутлақо яроқсиз ҳолда. Стакан етишмайди. Шарбат эса ҳаммага бир марта фойдаланадиган яккаю-ягона елим идишга қуйиб берилмоқда.

— Завод билан ошхоналар бирлашмаси бизни 1990 йилдан буён алдаб келаяпти, — дейди бош ошпаз. — Доим бир-бирига солади. Бор отангга, бор онангга. Аросатда қолдик. Яқинда ўз ёнимиздан тўплаб, озгина елим идиш сотиб олдик.

Лекин бизга завод директори ўринбосари У. Муҳамедов билан касаба уюшмаси раиси Б. Содиқов қуюқ ваъда бердилар: идиш-товоқ бўлади. Қани кўрайлик-чи, алдагани ишчи яхшими? Аммо ваъдага вафо марднинг иши.

Шаҳардаги айрим ошхоналарда бу камчиликлардан ташқари хўрандага зарда қилиш, унинг ҳақига кўз олайтириш, юлғичлик, талон-торожлик ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида хўранда ҳақига 61 марта хиёнат қилинган.

Чунончи, биргина Миробод районининг ўзида (шу йилнинг иккинчи чорагида) дўкон, ошхона, ресторан ходимлари томонидан харидор ва хўрандани 41 марта алдаш қайд этилди. 3-ошхона сотувчиси В. П. Мацук хўрандадан 1 сўм 46 тийин уриб қолган. Тошкент темир йўл станцияси ресторани сотувчиси Р. Бугрова эса биратўла 3 сўм 08 тийин, «Наврўз» кафеси ошпази А. Гильфанова 1 сўм 50 тийин уриб қолаётганда қўлга тушди.

Улуғбек районидаги 4-ошхона ошпази М. Улуғхўжаева хўрандадан нақд 10 сўм 50 тийин уриб қолган бўлса, Яккасарой районидаги 8-ошхона сотувчи-ошпази А. Мусаев хўранданинг 1 сўм 68 тийинига хиёнат қилган.

Ўғрилик ҳам авжига чиққан. Тошкент тўқимачилик комбинати ошхонаси омбори мудири Антонина Петрова ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, 680 сўм пулни ўғирлаган. Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи таъминоти бўлимига қарашли 19-ошхона бош ошпази А. Курбатов 100 килограмм ун ўғирлаётганда қўлга тушди. 36-ошхона ошпази Т. Галкина эса хўранда ҳамёнидан ўз кассасига 6 сўм 67 тийин уриб қоламан, деб ўзи илиниб қолди.

Мирза Улуғбек районида ошхоналар трести лаборанти С. Давидян жамоа маош пулидан 4.406 сўмни ўғирлаётганда қўлга тушди... Бундай ғирромликлар, айтаверсак, кўп.

Юқоридаги нуқсонлар, камчиликлар, ўғирликлар нимани кўрсатади!

Афсуски, Тошкент шаҳар умумий овқатланиш концерни (раиси Қ. Зонров) корхоналари ишидаги бу камчиликлар кўп йиллардан буён маҳаллий матбуотда рўйи-рост танқид қилинишига қарамай, бундан ўз вақтида тегишли хулоса чиқариб, чора-тадбирлар кўрилмай келинганлиги оқибатидир. Агар ўз вақтида бу ишларга қарши чора-тадбирлар белгиланганида эди, яра бунчалик газак олмас эди.

Дарвоқе, бир пайтлари, яъни бундан 2—3 йил илгари худди шу лавозимда Ўзбекистоннинг собиқ савдо вазири, ҳозирда «Ўзбексавдо» уюшмаси раиси Мираброр Усмонов ишлаган эди. Уша пайтда ҳам бу соҳадаги камчиликлар қаттиқ танқид қилинган. Йиллар ўтди. Ҳеч нима ўзгармади. Уша иллатлар ҳамон яшамоқда. Нега! Афтидан бу ишларга кимдир қанот бахш этаётган кўринади. Эсимизда, қайсидир сессияда бир депутат собиқ вазирга «Сиз мафиянинг остида юрасизми, ёки устида!» — дея киноя луқма ташлаган эди. Бу луқма бежиз эмас эди. Ўртоқ Мираброр Усмонов буни қандай изоҳлар экан! Ахир у шу соҳадан чиққан, унинг нонини еган. Наҳотки, пойтахт ошхоналарида юлғучлик шунчалик болалаб кетган бўлса! Бу иллатларнинг илдизлари у кишигача бориб тақалмайдими!

Ҳозирги қимматчилик пайтида бу соҳадаги ишларни ким яхшилайди, оз бўлса-да, одамларни ким ижтимоий ҳимоя қиладн! Агар Америкадаги каби ишсизларга уч маҳал текин овқат берилса, билмадик нима бўларди! Ошхоналарга ўт тушармикан!

Биз «Шаҳар кўзгулари» деб бежиз янги рукн очмадик. Шаҳар кўзгулари бисёр. Улар тайёрагоҳ, темир йўл вокзали, автовокзал, бозорлар, дўконлар, ҳиёбонлар, расталар... Бу жойлар мустақил Ўзбекистоннинг, унинг пойтахти Тошкентнинг кўзгуларидир. Бу жойларда юксак маданият, имон, эътиқод, инсоф, диёнат, ҳалоллик бўлиши керак. Бу нарсалардан нафс балоси ғолиб келиши мумкин эмас. Миллий ғурур, ифтихорнимизни сақлай билишимиз зарур.

Олдимизда буюк тантана — мустақил Ўзбекистоннинг ҳур байрамини кутиб олишдек катта вазифа турибди. Бу шодиёнагача унинг пойтахтида тартиб-интизом, юксак маданият қарор топмоғи лозим. «Ўзбекистон овози» бу ишга ўз овози билан ҳисса қўшади.

Баҳром ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станцияси овқатланиш гигиенаси бўлими бошлиғи.

Шавкат ТОЛИБНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси оператив вакили, милиция капитани.

Азиз АЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси ходими,

Абдулла ПЎЛАТОВ,
Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» газетасининг махсус мухбирлари.

ИЗОҲ: Ҳурматли газетхон! Биз бир кунлик рейдимиз мобайнида ошхоналардаги шунча очкўзликларни кўрдик. Бу республикада ягона ҳол эмас. Мавзуни газетхон давом эттиради, деб ўйлаймиз.

ДАВЛАТ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорати комитети Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат назорати бошқармалари бошлиқларининг икки кунлик семинар-кенгашини ўтказди.

Кенгашда республика Президентининг халқ хўжалигини юксалтириш борасидаги Фармонлари қандай бажарилаётганини назорат қилиш, вазирликлар, хўжаликлар ва давлат идоралари фаолиятини қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва вазифалар асосида ўрганиш масалалари муҳокама этилди, давлат ва ижрочилик интизомига риоя этиш муаммолари ҳақида батафсил фикрлашилди.

Давлат назорати комитети раиси М. Мирқосимов кенгаш қатнашчилари эътиборини белгиланган режаларни бажаришда, жумладан, фермер хўжаликлари ишини ташкил этишда жойларда йўл қўйилаётган камчиликларга қаратди.

(ЎзА).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

БИРЖА ТОШКЕНТ БИРЖАСИ

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ

Тошкент шаҳри ҳокимияти томонидан 1991 йил 27 августда рўйхатга олинган (рақами 322/10) очиқ тоифадаги акционерлик жамияти

1992 йил 1 июль ҳолати бўйича ўз балансини эълон қилади

АКТИВ

1. АСОСИЙ ВОСИТА ВА МАБЛАҒЛАР:

	минг сўм
1. Асосий воситалар	16816.1
2. Капитал маблағ ва авансла	640.2
3. Узоқ муддатли молиявий маблағлар	1050.0
4. Даромаддан фойдаланиш	37713.1
I. БЎЛИНМА БЎЙИЧА ЖАМИ	**56219.4**
II. ЗАҲИРА ВА ХАРАЖАТЛАР	1289.7
III. ПУЛ ВОСИТАЛАРИ ҲИСОБЛАШУВ ВА БОШҚА АКТИВЛАР	
1. Ҳисоб рақами	9168.4
2. Банклардаги бошқа маблағлар	1522.3
3. Қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа қисқа муддатли молиявий маблағлар	107115,4
4. Дебиторлар билан ҳисоб-китоблар	5609.4
5. Касса	0.5
III БЎЛИНМА БЎЙИЧА ЖАМИ	**123416.0**
БАЛАНС	**180925,1**

ПАССИВ

1. ЎЗ МАБЛАҒЛАРИНИНГ МАНБАЛАРИ	
1. Устав фонди	46905.0
2. Махсус фондлар ва мақсадли маблағ билан таъминлаш	89155.6
3. Аммортизация ва таъмир фонди	4655.1
4. Фойда	37713.1
5. Асосий воситалар ва кам қийматли жиҳозларнинг емирилиши	754.8
I БЎЛИНМА БЎЙИЧА ЖАМИ	**179183.6**
II КРЕДИТЛАР ВА БОШҚА ЗАЕМ МАБЛАҒЛАРИ	—
III ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА БОШҚА ПАССИВЛАР	1741.5
БАЛАНС	180925.1

Биржа балансини «Инаудит» аудитор фирмаси тасдиқлаган.

«Тошкент» биржаси савдо залининг фонд бўлимида ўзининг номинал қиймати 10 минг сўмлик акцияларини эркин равишда сотишни давом эттирмоқда.

«ТОШКЕНТ» биржаси — бу кафолат ва фаровонликдир.

Алоқа учун телефонлар: 45-84-68, 45-80-65, 45-71-90.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, Тошкент-ГСП,
Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 33-44-51, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583.
Буюртма № Г—217.
№ 146.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 22.00. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.